ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСУН-ДУОЛАРИНИНГ КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

С.Р.Мирзаева

Мақолада ўзбек халқ афсун-дуоларининг композицияси ўрганилган. Фольклоршунос олимларнинг бу борадаги турли хил қарашлари қиёсланган, ўзбек халқ афсун-дуоларининг асосан уч қисмдан ташкил топиши кўрсатилиб, уларнинг вазифалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *халқ афсун-дуолари, афсун-дуоларнинг композицияси, эпик қисм, лирик қисм, мистик қисм.*

В статье исследуется композиция узбекских народных заговоров и заклинаний. Сопоставлены различные точки зрения ученых-фольклористов по данному вопросу. Показано, что узбекские народные заговоры и заклинания в основном состоят из трех частей, проанализированы их функции.

Ключевые слова: *народные заговоры и заклинания, композиция заговоров и заклинаний, эпическая часть, лирическая часть, мистическая часть.*

The author of this article studies the peculiarities of the Uzbek magic and magicians, as well as their damnations.Hegeneralizes the opinions of experts in this field.

Key words: *folk damns, the structure of damns, epic part, lyrical part, religious part.*

Ўзбек халқ афсун-дуолари қадимги аждодларимизнинг табиат ҳодисалари, кишиларнинг сеҳржоду қудратларига ишонч-эътиқодлари натижасида вужудга келгандир. Шу боис афсун-дуоларга кишилар эстетик лаззат олиш истаги билан эмас, балки кундалик маиший эҳтиёж туфайли мурожаат этганлар. Бироқ узоқ даврлар мобайнида такрор ва такрор қўлланиши натижасида бу айтимлар муайян қатъий шаклларга келиб қолган. Вақт ўтиши билан айтимлар таркибида учрайдиган исмлар ҳам ўз тарихини йўқотиб, соф бадиий тўқима образлар даражасига келиб қолган. Қолаверса, афсунлар матнида такрор, параллелизм, синонимлардан фойдаланиш, боғловчиларнинг кўп қўлланиши, улардаги ўзига хос ритм ушбу матнларга муайян даражада ҳиссий таъсир кўрсатиш хусусиятини ҳам бағишлаган.

Ўзбек халқ афсун-дуолари бадиийтидаги уч масала муҳим бўлиб, булар афсун-дуоларнинг композицияси, образлар тизими, шаклий хоссаларидан иборат. Бу уч масала афсун-дуоларнинг жанрий хоссаларини, образлар дунёси ва бадиий-тасвирий, бадиий-ифодавий хусусиятларини тўла ифодалай олади.

Маълумки, афсун-дуоларнинг тузилиши кўпгина тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келади. Жумладан, рус олими Е.Г.Кагаров афсун-дуоларни беш қисмдан иборат тузилишга эга деб ҳисоблайди [4.73]. Унингча, ҳар бир афсун-дуо қуйидаги қисмлар: 1) худо ва пайғамбарларга мурожаат, улардан мадад сўраш; 2) эпик қисм; 3) лирик қисм; 4) мистик қисм; 5) якундан иборат.

Эпик қисмнинг ўзи эса: 1) афсунхон томонидан қилинадиган хатти-ҳаракатга кўрсатма бериш; 2) дўқ-пўписа қилиш; 3) руҳларга мадҳ ва мақтовлар қилиш; 4) душманга, яъни ёмон руҳларга зарба бериш; 5) беморга раҳм-шафқат уйғотиш; 6) илоҳий қудратга ишора қилиш; 7) ҳикоя қилиб бериш каби қисмлардан ташкил топган. Лирик қисм эса тўрт қисмдан иборат деб кўрсатилади.

Афсун-дуоларнинг тузилиши ва таркибий қисмлари юзасидан кузатишлар олиб борган З.И.Власова, В.Н.Ильинскаялар эса халқ афсун-дуолари уч қисмдан – бошланма, эпик қисм ва тугалланма қисмларидан ташкил топган деб кўрсатадилар [2. 194-202; 3. 200-207].

Ўзбек халқ афсун-дуоларининг таркибий қисмлари ҳақида профессор Б.Саримсоқов ҳам алоҳида тўхталиб, уларнинг уч қисмдан: бошлама, баён қисми ва тугалланмадан иборат деб кўрсатган [9. 220].

Ўзбек халқ афсун-дуолари асосан уч қисмдан – бошлама, баён қисми ва тугалланма каби қисмлардан ташкил топган. Агар бошламада афсунхон худога, пайғамбарга, авлиёларга, пирларга мурожаат қилиб, уларнинг мададига таяниб у ёки бу ишга қўл ураётганини маълум қилса, баён қисмида бевосита ёмон руҳларга мурожаат қилиб, уларни бемор танасини тарк этишга ундайди. Якунловчи қисмда эса яна илоҳий кучлар, пирларга шукроналар қилишиб, беморга соғайиб кетиш тилаклари билдирилади.

С.Р.Мирзаева *– АДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори*

Афсун-дуолар композицияси ҳақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтиш мумкинки, улар асосан уч қисмдан иборат экани ҳақиқатга яқинроқдир. Балки ўтмишда ўзбек халқ афсун-дуолари ҳам, Е.Г.Кагаров кўрсатганидек, мураккаб таркибий қисмлардан иборат тузилишга эга бўлгандир. Бироқ, даврлар ўтиши, моҳир афсунгарларнинг аста-секин йўқолиб ёки камайиб кетиши, афсун-дуолар матнларининг унутилиши оқибатида бизга қадар уч қисмдан иборат тузилишга эга бўлган материаллар етиб келган. Афсун-дуолар матнларининг таркибий қисмлари ва уларнинг бажаражак вазифаларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, уч қисмдан иборат таркибий қисм қадим-қадимдан сақланиб, бевосита амал қилиб келаётган афсун-дуоларнинг узвий қисмларидир. Афсун-дуолар таркибининг мураккаб қисмларга бўлиниши ҳақидаги қарашлар қандай матнларга асосланиши, ана шу матнларни ижро этувчиларнинг профессионаллик даражалари, матндаги ҳар бир узвнинг тарихан ишонарлилиги ёки ишонарли эмаслиги каби масалалар етарли текширилмаганлиги сабабли афсун-дуоларнинг таркибий қисмлари мураккаб эканлиги ҳақидаги фикрларга биз қўшила олмаймиз. Бинобарин, ўзбек халқ афсун-дуоларининг поэтикаси ҳақидаги барча фикр-мулоҳазаларимизда юқорида кўрсатилган уч қисм ҳақидаги қарашларга таянамиз.

Ўзбек халқ афсун-дуолари уч қисмдан ташкил топган экан, уларнинг ҳар бири қатъий ва ўзгармасдир. Аммо, афсун-дуолар ягона бир жанрни ташкил этмай, аксинча, ягона вазифа ўтовчи, ҳар бири ўзига хос мазмуний қамров ҳамда бадиий хусусиятларга эга бўлган жанрлар туркумини ташкил этадилар. Уларнинг ягона вазифа ўташларига қараб афсун-дуоларни ташкил этувчи узвларга жиддий диққат қилсак, барча афсун-дуолар ўз таркибидаги узвлар яхлитлиги билан бир-бирларига боғлиқлик касб этганликларини кўрамиз. Масалан, ҳар бир афсун-дуонинг ижро этилиши уч нарсанинг мавжудлигини талаб этади. Биринчиси – муайян тартибда такрорланувчи хатти-ҳаракат. Иккинчиси – айтилиши зарур бўлган барқарор матн, учинчиси – сеҳр-жоду қудратига эга деб тасаввур этилган нарсалар.

Ушбу узвлардан қай бири бирламчи деган масалада ҳам олимлар ўртасида ягона қараш йўқ. Масалан, Н.Крушевский, М.Астахова, Е.Кагаров, В.Власова, Б.Саримсоқов каби тадқиқотчилар афсун-дуолар таркибидаги сўз, хатти-ҳаракат, сеҳрли буюмларнинг барчаси бирламчи, улар фақат биргаликдагина амал қилувчи узвлар ҳисобланади, деб қарайдилар [1.3, 194-201; 5.31; 9.25-27]. Н.Познанский эса афсун-дуоларда хатти-ҳаракат бирламчи, сўз ва нарсалар сеҳр-жодуси иккиламчи, деган фикрни илгари суради [7. 142-153].

Албатта, афсун-дуоларнинг турли тараққиёт босқичларида бу узвларнинг бажарган вазифалари ҳар хил бўлган. Бироқ, умуман принцип нуқтаи назаридан қаралса, афсун-дуоларнинг вужудга келишида сўз, ҳаракат ва сеҳрли буюмларнинг бир хил аҳамият касб этгани аниқ. Масалан, сеҳр-жоду қудратига эга деб билинган айланма ҳаракат, яъни бирор нарсанинг атрофида айланиш ўз ҳолича сеҳрли ҳаракат ҳисобланади. Бироқ бу ҳаракат муайян матнларсиз ўз мазмунини ифодалай олмаганидек, вазифаларини ҳам адо эта олмайди. Демак, сўз ва хатти-ҳаракат бирлашгандагина бир-бирларининг сеҳрли таъсир қудратини кучайтирадилар. Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, уларда хатти-ҳаракат ҳам, сўз ҳам ожизлик қилиб қолади. Бундай пайтларда нон, пичоқ, қалампир, кўзтикан, кекса кишининг кийими, чорраҳа тупроғи, пул, майда тош, танга каби тарихан сеҳр-жодуга эга деб тасаввур қилинган нарсалар воситасида афсун-дуоларнинг сеҳр-жоду кучи янада оширилади. Чунки қадимги ота-боболаримиз сеҳрли буюмларни қай даражада моддий деб билсалар, кишилардаги турли касалликларни ҳам шу даражада моддий нарса сифатида тасаввур қилганлар. Демак, моддий нарсага моддий нарсанинг таъсири анча кучли ва фойдали бўлади. Мана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтилса, афсун-дуолар ижроси пайтида иштирок этадиган барча узвлар тенг ҳуқуқли ва бир хилдаги аҳамиятга молик.

Афсун-дуолар ҳам қадимги аждодларимизнинг ўзи ва яқинларини турли бало-офатлардан ҳимоя қилиш учун худоларга, азиз-авлиёлар руҳига илтижо қилиш эҳтиёжидан яратилган воситалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ афсун-дуоларида ҳар хил руҳларга, табиат кучларига, мифологик персонажларга, кейинроқ яратилган афсун-дуоларда эса ёлғиз Оллоҳга, пайғамбар ва авлиёларга илтижо қилиш руҳи устунлик қилади.

Хуллас, ўзи ва ўзгаларни ёвуз кучлар хуружидан офат ва балолардан муҳофаза қилиш эҳтиёжи туфайли яратилган афсун-дуолар узоқ вақтлар мобайнида оғзаки яратилиш ва яшашлари туфайли муайян даражада бадиийлик унсурларини касб этган.

Адабиётлар:

1. Астахова М. Художественный образ и мировоззренческий элемент в заговорах. – М., 1964.

2. Власов Э.И. К изучению поэтики устных заговоров. Русская народная проза. Русский фольклор, т. XIII. – Л., 1972.

3. Ильинская В.Н. Заговоры и историческая действительность. Историческая жизнь народной поэзии. Русский фольклор. Т. XVI. – Л., 1976.
4. Кагаров Е.Г. Словесные элементы обряда. Из истории русской советской фольклористики. – Т., 1981.
5. Кружевский Н. Заговоры как вид русской народной поэзии. – Варшава, 1875.
6.Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадийяти. – Т.: Истиқлол, 2006.
7. Познанский Н. Заговоры. Опыт исследования происхождения и развития заговорных формул. – Пб., 1917.
8. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклорининг жанрлар состави, генезиси ва поэтикаси. Филол. фан. доктори ... диссертация. – Тошкент, 1987.
9. Саримсаков Б.И. Узбекский обрядовый фольклор: его жанровый состав, генезис и поэтика. АДД – Т.,1987

2014 йил 1 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Б.Раҳмонов)